**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**
**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ**

**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**
Ректор_____________Ш.Сирожиддинов

201___йил “___” ____________

**“КЕЛИШИЛДИ”**
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
____________________

201___йил “___” ___________

Рўйхатга олинди: № БД-5111200-3.04
№ БД-5112400-3.04
№ БД-5120100-3.01
201__йил “___” ___________

# ЎЗБЕК АДАБИЁТИ ТАРИХИ

## ФАН ДАСТУРИ

Билим соҳаси: 100000 – Гуманитар соҳа

Таълим соҳаси: 11000 – Педагогика

120000 – Гуманитар фанлар

Таълим йўналишлари:
5111200 – Ўзбек тили ва адабиёти
5112400 – Ўзга тилли гуруҳларда ўзбек тили
5120100 – Филология ва тилларни ўқитиш (ўзбек тили)

Тошкент – 201__

Лойиҳа

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 201__ йил “____” _________даги “____”-сонли буйруғининг ____-иловаси билан фан дастури рўйхати тасдиқланган.

Фан дастури Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими йўналишлари бўйича Ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгашнинг 201__ йил “___” ____________даги ___ - сонли баённомаси билан маъқулланган.

Фан дастури Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетида ишлаб чиқилган.

**Тузувчилар:**

| | | |
|---|---|---|
| Жабборов Н. | - | ТошДЎТАУ, “Ўзбек адабиёти тарихи ва фольклор” кафедраси мудири, филология фанлари доктори, профессор |
| Раҳмонов Н. | - | Ўзбекистон давлат маданият ва санъат институти профессори, филология фанлари доктори |
| Муллахўжаева К. | - | ТошДЎТАУ, “Ўзбек адабиёти тарихи ва фольклор” кафедраси доценти, филология фанлари номзоди |
| Юсупова Д.Р. | - | ТошДЎТАУ, “Ўзбек адабиёти тарихи ва фольклор” кафедраси доценти, филология фанлари номзоди |
| Яқубов И. | - | ТошДЎТАУ, “Адабиёт назарияси ва ҳозирги адабий жараён” кафедраси доценти, филология фанлари доктори |
| Матёқубова Т. | | ТошДЎТАУ, “Ўзбек адабиёти тарихи ва фольклор” кафедраси доценти, филология фанлари номзоди |

**Тақризчилар:**

| | | |
|---|---|---|
| Жўрақулов У. | – | ТошДЎТАУ, “Адабиёт назарияси ва ҳозирги адабий жараён” кафедраси доценти, филология фанлари доктори |
| Халлиева Г. | | ЎзДЖТУ, Жаҳон адабиёти ва адабиётшунослик кафедраси доценти, филология фанлари доктори |

Фан дастури Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети Кенгашида кўриб чиқилган ва тавсия қилинган (201_ йил “__” ______ даги ___ - сонли баённома).

Лойиҳа

## I. Ўқув фанининг долзарблиги ва олий касбий таълимдаги ўрни

Ушбу фан ўзбек мумтоз адабиётининг долзарб муаммолари, адабий-маданий муҳит ҳақидаги қарашлар ва уларга муносабат, ўзбек мумтоз адабиётига кириш, мумтоз поэтика, тарихий-адабий жараённинг тараққиёт қонуниятлари ва ижтимоий муҳит билан боғлиқлиги, жадидчилик ҳаракатининг адабиётдаги ифодаси ўларoқ дунёга келган миллий уйғониш адабиётининг хос хусусиятлари каби масалаларга доир маълумотларни қамраб олади.

"Ўзбек адабиёти тарихи" умумкасбий фанлар блокига киритилган. Олий таълим тизимида маънавий баркамол авлодни етиштириш, уларни аждодлар яратган адабий меросга муҳаббат ва ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ҳамда талабалар китобхонлик маданиятини юксалтиришда ушбу фан муҳим аҳамиятга эга.

"Ўзбек адабиёти тарихи" фанини тўлиқ ўзлаштириш талабалар адабий-эстетик дидини юксалтириш баробарида уларда илмий тадқиқот олиб бориш малакасини шакллантириш учун ҳам замин ҳозирлайди.

## II. Ўқув фанининг мақсади ва вазифаси

Фанни ўқитишдан мақсад – ўзбек адабиёти тарихи ва мумтоз поэтика билан боғлиқ бой адабий ва илмий мерос билан филолог талабаларни таништириш, ўсиб келаётган авлодни соғлом эътиқод ва юксак ахлоқ соҳиби бўлган аждодларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш, улар қолдирган маънавий хазинани том маънода қадрлашга ўргатиш орқали уларни юксак маънавиятли ва кенг маърифат соҳиби этиб тарбиялашдир. Ўзбек мумтоз адабиёти ва ўзбек миллий маънавиятининг шаклланиш ва ривожланиш қонуниятларини англаш орқали ёшларда кучли тафаккур тарзини шакллантириш, ўзбек адабиёти тарихи ҳақида ҳар томонлама билим ҳосил қилиш, маънавий дунёси мукаммал бўлишига кўмаклашиш ушбу ўқув фанининг асосий мақсадларидан ҳисобланади.

Ушбу мақсадларга эришиш учун "Ўзбек адабиёти тарихи" фани талабаларни назарий билимлар, амалий кўникмалар, фанга доир муаммоларга услубий ёндашув ҳамда илмий дунёқарашини шакллантириш вазифаларини бажаради.

Фан бўйича талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларига қуйидаги талаблар қўйилади. ***Талаба:***

– мумтоз адабиёт тушунчаси, мумтоз поэтика, мумтоз ижодкорларнинг ҳаёт йўли ва ижодий фаолияти, уларнинг миллат ва жаҳон маданияти ривожига қўшган ҳиссаси, ўзбек давлатчилиги ва маънавияти тарихида тутган ўрни ҳақида ***билимга*** эга бўлиши;

– мумтоз адабиёт билан боғлиқ тушунча ва тамойиллар, мумтоз поэтика асослари: балоғат илми, илмлар учлиги, мумтоз асарларнинг мазмун-моҳияти, мажоз тариқида ёзилган шеърларда қўлланилган илмий, диний-асотирий ва тасаввуфий истилоҳларни шарҳлаш, бадиий наср стилистикаси, рамз, тимсол ва образлар моҳиятини англаш, мумтоз асарлар тили, илмий-филологик, тарихий,

ирфоний, диний-фалсафий асарларнинг ўзига хос жиҳатлари, маъно қатламлари, ушбу асарларнинг ўзбек ва жаҳон адабиётининг кейинги ривожига кўрсатган таъсири билан боғлиқ ***кўникмага*** эга бўлади;

– талаба мумтоз ижодкорларнинг асарларини ўрганиш орқали уларни тўғри таҳлил ва талқин қила олиш ***малакасига*** эга бўлиши керак.

## III. Асосий назарий қисм (маъруза машғулотлари)

## 1-модул. МУМТОЗ АДАБИЁТГА КИРИШ

### 1-мавзу. Мумтоз адабиётга кириш курсининг мақсад ва вазифалари

*Мумтоз адабиёт* истилоҳи, унинг маъно кўлами. Шарқ халқлари (туркий, араб ва форс) мумтоз адабиётида муштараклик ва ўзига хослик, ўзаро таъсир масалалари. Ўзбек мумтоз адабиёти Шарқ адабиёти контекстида.

Мумтоз адабиётда сюжетлар ва жанрларнинг кўчиши ҳамда ўзбек мумтоз адабиётида уларнинг барқарорлашуви.

Ўзбек мумтоз адабиётини даврлаштириш масаласи. Адабий-бадиий ҳодисалар даврлаштиришнинг муҳим мезони сифатида. Адабиёт тарихи жамият тарихи таркибида. Адабиётшунослар томонидан таклиф этилган даврлаштириш принциплари.

### 2- мавзу. Мумтоз адабиётнинг генезиси, шаклланиши ва тараққиёти

Мумтоз адабиётнинг шаклланишидаги асосий омиллар: мифология ва унинг ёзма адабиёт тараққиётидаги ўрни; халқ оғзаки ижоди ва мумтоз адабиёт муносабатлари, таржима адабиёти ва мумтоз адабиёт. Исломгача бўлган турли диний таълимотлар (зардуштийлик, монийлик, буддавийлик ва б.)нинг ёзма адабиёт юзага келишидаги роли.

Адабий таъсир масалалари. Зуллисонайнлик анъаналари. Туркий ва форсий тилларда яратилган мумтоз асарларда муштарак адабий тамойил ва меъёрларга амал қилиниши.

### 3- мавзу. Мумтоз адабиётнинг диний-тасаввуфий ва илмий манбалари

Мумтоз адабиёт тараққиётида Қуръони карим ғоялари ва ҳадиси шарифдаги фикрларнинг ўрни ва аҳамияти. Тасаввуф. Унинг санъат ва адабиётга таъсири, мумтоз адабиёт тараққиётидаги ўрни ва аҳамияти.

Дидактик, тарихга ва географияга оид, сиёсий-ахлоқий асарлар (“Қобуснома” (Кайковус), “Сиёсатнома” (Низомулмулк), “Наврўзнома” (Умар Хайём), “Чаҳор мақола” (Низомий Арузи Самарқандий), “Тазкират ул-авлиё” (Аттор), “Фиҳи мо фиҳи” (Румий) “Лубоб ул-албоб” (Авфий),“Тазкират уш-шуаро” (Давлатшоҳ Самарқандий) ва б.) ҳамда тазкиралар.

### 4- мавзу. Мумтоз шеър

Мумтоз шеърнинг шаклланиши. Унинг дастлабки намуналари. Аруз шеър системаси ҳақида умумий маълумот. Қофия ва байт, қофия ва банд. Анъана ва ўзига хослик – мумтоз адабиётдаги энг муҳим адабий ҳодиса. Ўзбек мумтоз адабиётининг тур ва жанрлари. Лирик тур. Лирик турга мансуб жанрлар. Ўзбек мумтоз адабиётида уларнинг барқарорлашуви ва тадрижий такомили. Девон,

баёз ва тазкиралар – мумтоз адабиётни ўрганишда муҳим манбалар. Девон, баёз тузиш ва тазкирачилик тарихидан.

Эпик шеърият ва унга хос муҳим хусусиятлар.

### 5- мавзу. Мумтоз адабиётда анъанавий мавзу ва образлар

Ўзбек мумтоз адабиётида образлар тизими (лирик ва эпик асарлар мисолида). Анъанавий образлар генезиси ва ривожланиши тадрижи. Шарқ адабиёти учун умумий бўлган образлар таснифи ва тавсифи. Рамз ва тимсоллар олами. Ўзбек мумтоз адабиётида мажоз тарихи. Бадиий матн талқинида рамз ва тимсолларнинг муайян адабиётга дахлдорлигини эътиборга олиш зарурати. Ранг, сон (бир, етти, тўққиз), табиат ашёлари (гул, булбул, қуёш, денгиз…)га оид рамзий тимсоллар ва уларнинг маънолари.

### 6- мавзу. Мумтоз адабиётда бадиий услуб тушунчаси

Мумтоз адабиётдаги асосий услубий йўналишлар. Хуросон, ироқ, ҳинд услублари. Услублар синтези.

Мумтоз адабиётда шеърий ва насрий услуб, “хос услуб” ва “омма услуби” ҳақида тушунча (Миён Бузрук). Бу услубларга хос мезонлар. Мумтоз адабиётда “Туркистон услуби” ва “Хуросон услуби”.

Илк наср ҳақидаги назарий тушунчалар. Насрий асарларнинг услубий хосликлари. Халқ китобларининг яратилиши ва адабий жараён. Халқ китоблари ва ижодкор шахсияти. Халқ китобларида фольклор сюжетлари ва индивидуал ижод. “Халқ адабиёти” тушунчаси. Жаҳон адабиётида “халқ адабиёти” ва “халқ китоблари” тушунчаси, уларнинг ўзбек мумтоз адабиётидаги мазкур тушунчалар билан ўхшаш ва фарқли жиҳатлари.

### 7- мавзу. Мумтоз ўзбек адабий тилидаги филологик асарлар ва уларнинг бадиий адабиётни ўрганишда муҳим манбалар эканлиги

Миср мамлуклар давлатида мумтоз ўзбек адабий тилида яратилган филологик асарлар: Абу Ҳайённинг “Китоб ал-идрок ли-лисон ал-атрок” асари (ХИИИ – ХИВ асрлар). Ўрта ва Марказий Осиёда яратилган филологик асарлар: Толеъ Имон Ҳиравийнинг “Бадойиъ ул-луғат”, “Абушқа” луғатлари, уларда ўзбек мумтоз адабиёти манбаларидан берилган маълумотларнинг муҳимлиги; Муҳаммад Ёқуб Чингийнинг “Келурнома”, Муҳаммад Ризонинг “Мунтахаб ут-таворих”, Маҳдихоннинг “Санглох”, Фатҳали Кожарнинг “Луғати атрокия” ва бошқа луғатларнинг ўзбек мумтоз адабиёти тарихи учун муҳим манба эканлиги.

Форобийнинг шеър, унинг ҳосил бўлиш қонуниятлари ва инсоният томонидан идрок этилиши ҳақидаги фикрлари.

Ўзбек мумтоз адабиёти дунё шарқшунос ва туркологлари илмий фаолиятида**.** Дунё адабиётшунослигида мумтоз адабиётга муносабат.

## 2-модул. ЭНГ ҚАДИМГИ ДАВРЛАРДАН XIII АСРГАЧА БЎЛГАН АДАБИЁТ

### 1-мавзу. Исломгача бўлган давр адабиёти

Туронзамин қадимги маданий марказлардан бири сифатида. Қадимги даврлардан эрамизнинг VIII асригача Марказий Осиёда яшаган халқлар маданияти, халқ оғзаки ижоди, ёзуви ва санъати. Қадимги шумер маданияти ва туркий қавмлар тарихи. “Билгамиш” достонининг туркий халқлар эпосига муносабати.

Энг қадимги оғзаки адабий ёдгорликлар. Уларнинг асосий манбалари. Миф ва афсоналар қадимги ҳаёт акси, табиат ҳақидаги тасаввур-тушунчаларнинг бадиий ифодаси эканлиги. Хитой манбаларида Марказий Осиё халқларига доир маълумотлар ва афсона ҳамда ривоятлар.

Қаҳрамонлик эпоси. Марказий Осиё эпослар ватани эканлиги. Шарқ эпик адабиётининг машҳур қаҳрамонлари. Қадимги қаҳрамонлик эпосининг юнон манбалари орқали етиб келган намуналари: «Тўмарис», «Широқ». Халқ қиссалари ҳақида маълумот. Искандар тўғрисидаги қиссалар.

### 2-мавзу. Уйғур ёзувидаги ёдгорликлар

«Девону луғотит турк» асари орқали бизгача етиб келган бадиият намуналари. Алп Эртўнга марсияси. Қадимги афсона ва қўшиқлар поэтикаси. «Девону луғотит турк»да мунозара жанрининг илк илдизлари. «Девон»даги халқ мақоллари поэтикаси. Абдурауф Фитрат “Девону луғотит-турк”даги тўртликлар асосида достонлар парчаларини тиклагани ва бу достонларнинг туркий халқлар оғзаки ижоди намуналари экани.

Монийлик мазмунидаги туркий адабиёт. Моний ва унинг таълимоти хусусиятлари. Монийлик – зардуштийликнинг маҳсули сифатида. Монийлик Шеърларининг мавзуи. «Хуастуанифт» (Монийларнинг тавбаномаси) асарининг ўзига хос хусусиятлари.

Будда мазмунидаги туркий адабиёт. Марказий Осиёда буддавийликнинг хос хусусиятлари. «Олтун ёруғ» асарнинг туркий халқлар маънавий ҳаётидаги ўрни.

### 3-мавзу. Ёзма ёдгорликлар
### Қадимги ёдгорликларнинг ёзув хусусиятлари

Иероглифик ва пиктографик ёзувлар. Миххатлар ва руний ёзувдаги илк манбалар.«Авесто» ёдгорлиги (эр.ав. ВИИИ аср) зардуштийликнинг муқаддас китоби эканлиги. «Авесто» қадимги миф ва афсоналар мажмуи сифатида. Зардушт шахси ҳақидаги маълумотлар. Унинг таркибий тузилиши. Асосий қисм ва Зандлар. «Авесто»нинг илмий-тарихий қиммати. «Авесто»нинг ўрганилиши тарихидан. «Авесто» адабий манба сифатида. “Авесто” қисмлари. Беруний “Авесто” ва Зардушт шахси тўғрисида. Асардаги етакчи қаҳрамонлар ва тимсоллар. “Авесто”нинг бадиий хусусиятларига доир.

Ўрхун-Энасой обидалари (ВИ-ВИИИ асрлар) адабий манба сифатида. Ёдгорликларнинг яратилиш тарихи ва тарқалиш ўрни. Уларнинг кашф этилишига оид маълумотлар. Билга хоқон ёдгорлигида Ватан дахлсизлиги учун

Лойиҳа

курашнинг акс этганлиги. Кул Тегин ёдгорлиги. Ўрхун-Энасой тошбитиклари адабий манба сифатида. Тошбитикларнинг тил хусусиятлари, адабий қиммати. Ўрхун-Энасой ёдгорликларининг жанр хусусиятлари: тарихий-қаҳрамонлик достонлари, қўшиқ ва йиғи жанрлари. Тошбитиклар ва туркий халқлар оғзаки ижоди ўртасидаги муносабат. Ўрхун-Энасой ёдгорликларида мифологик тасаввурлар. Тўнюқуқ битиги. Унда шахс ва миллат эрки. Ирқ битиги (Таъбирнома) адабий манба сифатида.

### 4-мавзу. Ислом маданиятининг шаклланиши ва илк мусулмон Уйғониш (Ренессанси) даври

Сомонийлар, салжуқийлар, ғазнавийлар ва қорахонийлар даврида исломий маданият. Ҳадис тўплаш анъанаси ва унда туркистонлик буюк муҳаддисларнинг роли. Имом Бухорий ва ат-Термизий. «Ал-жомеъ ус-саҳиҳ» ва «Шамойили Муҳаммадия» асарлари. IX-X асрларда араб тилининг маданий ҳаётга фаол аралашуви.

Араб ва форс тилларидаги адабиёт. Туркий халқлар ижодкорларининг араб ва форс тилларида ижод этиши. Марказий Осиё буюк алломалар ватани: Хоразмий, Абу Наср Форобий, Аҳмад Фарғоний илмий кашфиётларининг илк уйғониш даврига асос солгани.

### 5-мавзу. Ғазнавийлар ва қорахонийлар даври адабиётининг асосий хусусиятлари

XI-XIII асрларда Марказий Осиёда маданий ҳаёт. Абу Райҳон Беруний (“Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар”, “Минералогия”), Ибн Сино асарларида (“Шеър санъати” рисоласида, “Ҳайй бин Яқзон” қиссасида) адабиётшунослик ва фалсафа масалалари. Бу даврдаги бадиий асарлар ва тазкирачилик. Абу Мансур ас-Саолибий ва унинг «Ятимат уд-даҳр» асари.

Туркий тилнинг янги адабий босқичга кўтарилиши. Қорахонлилар даврида туркий маданиятнинг тараққиёти. Боласоғун ва Кошғардаги маданий ҳаёт. Туркий достончилик мактабининг вужудга келиши. Қорахонийлар даври адабиётида анъанавийлик ва ўзига хослик.

### 6- мавзу. Маҳмуд Кошғарий ва унинг “Девону луғоти-т-турк” асари

“Девону луғотит-турк” – адабий манба сифатида. Асарнинг ёзилиш мақсади ҳақида Маҳмуд Кошғарий. “Девон”да адабий жанр намуналари: афсоналар, мақоллар, марсия ва достондаги бошқа тўртликларнинг хусусиятлари, бу ҳақда олимларнинг қарашлари. Аллитерацияли шеър тузилиши ва “Девон”даги тўртликларда аллитерациянинг мавжудлиги. “Девон”да қадимги туркий шеърият анъаналари. Европа олимларининг (А.Бомбачи, П.Пельо ва б.) “Девону луғотит-турк”ни ўрганишдаги хизматлари.

### 7- мавзу. Юсуф Хос Ҳожиб ҳаёти ва ижодининг манбалари

“Қутадғу билиг” ҳамда ижтимоий-сиёсий ва фалсафий масалалар. Достонда Юсуф хос Ҳожибнинг ахлоқий ва эстетик қарашлари. “Қутадғу

билиг” ва қорахонийлар сулоласидаги ижтимоий-сиёсий вазият. Жамиятдаги турли тоифалар тавсифи. Асарда тарбия масалалари. “Қутадғу билиг”да туркий адабиётнинг қадимийлигига доир муаллиф ишоралари. Қадимги шарқ адабиёти ва “Қутадғу билиг” муносабатлари. Юсуф Хос Ҳожиб ўз даврининг зукко адабиётшуноси ва мутафаккири сифатида. Достон жанрлари: маснавий, қасида, тўртлик ва ғазал унсурлари. Асарнинг бугунги кундаги аҳамияти.

### 8- мавзу. Аҳмад Югнакий ҳаёти ва ижодининг манбалари

Адиб Аҳмад Югнакий ҳаёти ва ижодининг ўрганилиш тарихи. “Ҳибат ул-ҳақойиқ”. Асар мавзуи ва таркиби. Алишер Навоий Аҳмад Югнакий ҳақида. “Муншаот” асарида “Ҳибат ул-ҳақойиқ”дан келтирилган тўртликнинг маълум тарихий воқеа билан боғлиқ жиҳати. Асар ҳақидаги баҳс-мунозаралар. Абдурауф Фитрат “Ҳибат ул-ҳақойиқ” ҳақида. Ҳадислар асосида бадиий асар яратиш анъанаси. Асарнинг бадиий хусусиятлари.

## 3-модул. XIII-XV АСРЛАР АДАБИЁТИ

### 1- мавзу. Олтин Ўрда ўзбек адабиёти

XIII-XIV асрларда Ўрта Осиёдаги ижтимоий ҳаёт, маданий муҳит. Халқ оғзаки ижоди ва ёзма адабиёт. Бу даврда яратилган асарларнинг мавзу йўналиши, жанр хусусиятлари. “Ўғузнома” китобий эпоси. Олтин Ўрда давлатининг ташкил топиши ва бу давлатда маданий ҳаёт. Олтин Ўрда давлатининг тарихда тутган ўрни. Олтин Ўрдадаги маданий ва адабий ҳаёт. Олтин Ўрданинг таназзули. Мамлуклар давлати ҳақида қисқача маълумот. Олтин Ўрдадаги адабий муҳитнинг мамлуклар давлатига кўчиб ўтиши. Мамлуклар давлатида туркий тилдаги луғатлар, илмий асарларнинг яратилиши.

### 2- мавзу. Сайфи Саройи ижоди. “Гулистони бит-туркий” асари

Сайфи Саройи ҳаёти ва ижодининг манбалари. Ҳаёти ва ижодининг ўраганилиш тарихи. Лирикасининг жанр хусусиятлари, мавзулар кўлами. Мамлуклар давлатида Сайфи Саройининг мавқеи. Унинг ғазалчиликдаги маҳорати, шеърий ҳикоятлари. Замондош шоирларга шеърий жавоблари. “Гулистони бит-туркий” асарининг таркиби. Асардаги асосий ғоя, кўтарилган масалалар. “Гулистони бит-туркий” ва Саъдий “Гулистон”и. Саройининг “Гулистони бит-туркий”си Саъдий “Гулистон”ининг эркин таржимаси экани. “Суҳайл ва Гулдурсун” достони. Унинг тузилиши ва ғоявий мундарижаси. Достоннинг бадиий хусусиятлари.

### 3- мавзу. Агиографик асарлар – бадиий наср намунаси сифатида

Носириддин Рабғузий ҳаёти ва ижодининг манбалари. Адиб ижодининг ўрганилиш тарихи. Шарқ адабиётида “Қисас ул-анбиё”ларнинг қисқача тарихи. “Қисаси Рабғузий” (“Қисас ул-анбиё”) – ўзбек бадиий насрининг илк намунаси сифатида. Асарнинг яратилиши, таркибий тузилиши. Рабғузий – манбашунос ва

Лойиҳа

танқидчи. Асарда қисса, ҳикоят, ривоят жанрлари. Шеърий жанрлар: латифа, ҳикмат жанри. Бошқа кичик (хабар, фойда, муножот) жанрлар. Асардаги шеърий парчаларнинг бадиияти: вазн, қофия ва шеърий санъатлар. Маҳмуд Али ибн-ас-Саройининг "Наҳж ул-фародис" асари ўзбек адабиётида агиографик асарларнинг йирик намунаси. Асарнинг тузилиши, жанр хусусиятлари. Агиографик асарларнинг ўзбек мумтоз адабиётидаги ўрни.

### 4-мавзу. Қутбнинг "Хусрав ва Ширин" асари

"Хисрав ва Ширин" достонининг яратилиш тарихи, манбалари. Низомий ва Қутб: анъанавийлик ва ижодий фардият (индивидуаллик). Достоннинг бадиий баркамоллиги: шеърий санъатлар, вазн ва қофия. Достоннинг ўрганилиши тарихидан. Заянчковский, Амир Нажип ва А.Тагиржонов тадқиқотлари. "Хусрав ва Ширин" Қутб таржимасида. Таржимачилик Олтин Ўрда адабиётининг асосий хусусиятларидан экани. Достон сюжети. Асар таржимасида ўзига хослик ва Қутбнинг маҳорати. Қутбнинг ғазалнавислик маҳорати. Достон бадиияти.

### 5- мавзу. Ўзбек адабиётида нома жанри

Хоразмий ҳаёти ва ижодининг манбалари. Таржимаи ҳолига доир маълумотлар. Ўзбек адабиётида нома жанрининг илк илдизлари: "Қутадғу билиг"да нома жанрининг дастлабки кўриниши. Форс адабиётида нома жанри, Фахриддин Гургоний (XI аср) "Вис ва Ромин" достонида нома жанрига форс адабиётида илк бор асос солгани. "Муҳаббатнома"нинг нусхалари ва тузилиши. Асарда ишқнинг улуғланиши. Асардаги жанрлар тизими. Нома жанри ривожига ҳисса қўшган буюк ижодкорлар: Хўжандий ва унинг «Латофатнома» асари, Саййид Аҳмад ва унинг "Таашшуқнома" асари, Юсуф Амирий ва унинг "Даҳнома" асари. Номалар тузилишидаги фарқлар. Ўзбек адабиётида мунозара жанрининг пайдо бўлиши. ХВ асрнинг биринчи ярмидаги мунозара жанрининг асосий хусусиятлари.

### 6- мавзу. Темурийлар даври адабиёти

Тарихий шароит ва маданий муҳит. Темур ва темурийлар даврида ўтказилган маданий ислоҳотлар. Илм-фан тараққиёти. Тарихнавислик. Темурийлар даври тарихига бағишланган асарлар. Бадиий ижод соҳасида турли йўналишларнинг вужудга келиши. Адабий-эстетик қарашларнинг тадрижий такомили. Адабий тур ва жанрлар поэтикаси. Жанрлар хилма-хиллиги. Девон тузиш анъанаси. Хамсанавислик. Мемуар асарлар. Адабиётшуносликка оид асарлар. Индивидуал ижодий услуб муаммоси. Ушбу даврда фаолият кўрсатган йирик шоир ва адиблар ижодига қисқача тавсиф.

### 7-мавзу. "Юсуф ва Зулайхо" туркумидаги достонлар

Шарқ адабиётида "Юсуф" қиссалари ва "Юсуф ва Зулайхо" достонларининг илдизлари. Миср миххатларида милоддан олдинги учинчи минг йилликда "Юсуф ва Зулайхо" сюжетининг яратилгани. Қул Алининг

“Қиссайи Юсуф” асари ва фольклор манбалари. Шоир Дурбекка нисбат берилган “Юсуф ва Зулайхо” достони. Достоннинг яратилиши, образлар тизими, ғоявий-бадиий хусусиятлари. Достон образлар тизимидаги айрим ўзига хосликлар.

Ҳайдар Хоразмий ҳаёти ва ижоди. Ҳайдар Хоразмийнинг ижодий мероси. «Гулшан ул-асрор» ҳамда «Гул ва Наврўз» асарлари. «Гулшан ул-асрор»даги ҳикоятларнинг ғояси, мақсади.

### 8- мавзу. Атойи ва Саккокий ижоди

*Атойи* ҳаёти ва ижодининг манбалари, ўрганилиши. Шоирнинг лирик мероси: жанр хусусиятлари ва бадиияти. Ғазалларининг тасаввуфий талқини. Ўзбек адабиётида Атойи ижодининг ўрни.

*Саккокий* ҳаёти ва ижодининг манбалари ўрганилиши. Адабий мероси. Саккокий “Девон”и. Унинг тузилиши, қўлёзма нусхалари. Саккокий – қасиданавис. Темурийлар даври шеъриятидаги услубий ўзгаришлар. Чиғатой тили ва чиғатой адабиётининг Темурийлар давридаги такомили.

### 9- мавзу. Лутфий ва Ҳусайний ижоди

*Лутфий* ҳаёти ва ижодини ўрганиш манбалари. Лутфийнинг ижодий фаолияти. Лутфий ва Навоий. Лутфий лирикаси, жанр хусусиятлари ва мавзу кўлами. Лутфий лирикасида маъшуқа, зоҳид, рақиб тимсоллари талқини. “Зафарнома” достони Шарафиддин Али Яздий “Зафарнома”сининг бадиий таржимаси сифатида. Достоннинг ғоявий мундарижаси.

*Ҳусайний* – туркигўй шоир. Навоий “Мажолис ун-нафоис”да Ҳусайний ҳақида. Навоийнинг Ҳусайний девонига доир фикрлари. Алишер Навоий “Муножот”ида Ҳусайний шахсининг ёритилиши.

## 4-Модул. XVII АСРДАН XIX АСРНИНГ ИККИНЧИ ЯРМИГАЧА (1865-ЙИЛ) БЎЛГАН ДАВР АДАБИЁТИ

### 1-мавзу. Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ҳаёти ва адабий мероси

Бобур ҳаёти ва адабий меросининг ўрганилиш тарихи. Шоир шеърияти, девонлари, бадиий маҳорати. “Бобурнома”, “Рисолаи аруз”, “Волидия” ва “Мубаййин” асарларининг адабий қиммати.

### 2-мавзу. Бухоро адабий муҳитининг хос хусусиятлари

*Давр маданий ҳаётига шарҳ*. Сиёсий ҳаётдаги беқарорлик ва сулолалар алмашинуви. Адабий ҳаётнинг ўзига хос хусусиятлари. Хонликлар марказларида адабий муҳитнинг шаклланиши ва тараққиёти.

*Тарихнавислик.* Ўтмиш тарихнавислиги ва унинг давом эттирилиши. Хондамирнинг “Ҳабиб ус-сияр” ва “Сияр ул-мулук” асарлари. Тарихий асарларнинг янгиланиш хусусиятлари.

*Тазкиранавислик*. Давр тазкиранавислигининг ўзига хос хусусиятлари. Ҳасанхожа Нисорий “Музаккири аҳбоб” асарининг илмий қиммати. Асарда

Лойиҳа

XBИ аср маданий ҳаётини акс эттириш тамойиллари. Мутрибий, Малиҳо Самарқандий, Қори Раҳматуллоҳ Возеҳ, Фазлий Намангоний, Аҳмад Табибий тазкиралари.

*Шайбонийхон ҳаёти ва ижоди.* Шоир девони ва унинг жанр хусусиятлари. Асарларининг мавзу ва ғоявий кўлами. Шоир дунёқараши ва тариқати. Шайбонийхон ижодида лирик қаҳрамон табиати. Шеърий маҳорат қирралари.

*Муҳаммад Солиҳ ижоди.* «Шайбонийнома» жангнома типидаги достон сифатида. Асар мазмуни, тарихий шахслар ва бадиий тимсоллар.

*Хожа ижоди.* Ҳаёти ва ижоди. Ҳикоялари. “Гулзор” ва “Мифтоҳ ул-адл” асарларининг талқини.

## 3-мавзу. Қул Убайдий ва Турди ижодий мероси манбалари

*Қул Убайдий мероси.* “Куллиёт”ининг яратилиш тарихи ва жанр хусусиятлари. Шоирнинг шеърий жанрлар такомилидаги ўрни. Қул Убайдий шеъриятида лирик қаҳрамон табиати. Дунёқараш ва тариқат масалалари. Шоир маснавийлари. Уларнинг мавзу ва ғоявий қамрови. Шоир меросининг тимсоллар олами.

*Турди ижоди.* Шоир ҳаёти воқеаларининг асарлари асосида тикланиши. Турди шеърларининг жанр хусусиятлари. Ғазал ва мухаммаслари. Субҳонқулихон ҳақидаги ҳажвияси. Асарда маданий ҳаёт тасвири.

## 4-мавзу. Машраб ва Сўфи Оллоёр адабий мероси

*Машрабнинг ижодий мероси.* Машрабшунослик тарихидан. Тазкиралардаги маълумотлар. «Қиссаи Машраб» асарининг шоир дунёқараши ва ҳаётини ўрганишдаги аҳамияти. Шеърияти. Машраб лирик меросининг мавзу доираси. Асарларида қаландарийлик тариқатининг акс этиши. Шеъриятида илоҳий ишқ талқини. Тимсоллар оламининг ўзига хос жиҳатлари.

Машраб тахаллусли шоирлар. “Мабдаи нур” ва “Кимё” асарлари, уларнинг муаллифлиги масаласи.

*Сўфи Оллоёр ҳаёти ва асарлари.* “Сабот ул-ожизин” асарида маърифий масалалар. Маърифий рисолаларида нақшбандийлик таълимотининг янгиланиши.

## 5-мавзу. Хива адабий муҳитидаги маданий ҳаёт

Адабий муҳит ва унинг ўзига хос жиҳатлари. Зуллисонайнлик ва Навоий анъаналарининг давом эттирилиши. Девон тузиш анъаналарининг такомиллаштирилиши. Жанрлар поэтикаси. Тарихнавислик. Таржима мактабининг ўзига хослиги, такомиллашув тамойиллари. Баёзчилик, тазкиранавислик ва ноширликнинг тараққий этиши.

*Абулғози Баҳодирхон ҳаёти ва ижодий мероси.* Абулғозининг ижтимоий ҳаётдаги мавқеи. Тарихий асарлари. “Шажарайи тарокима” асари. Унинг ёзилиш ва ўрганилиш тарихи. Асарнинг илмий-бадиий қиммати. «Шажарайи турк» асари қомусий маълумотнома эканлиги. Асарнинг ўзбек адабиёти

тарихидаги илмий-бадиий мақоми. Тимсоллар силсиласи. Адиб маҳорати масаласи.

“Манофеъ ул-инсон” асарининг қўлёзма нусхалари. Асарнинг яратилиш тарихи, сабаблари. Асарнинг тузилиш хусусиятлари ва аҳамияти.

*Нишотий ҳаёти ва ижоди манбалари.* Ҳаёти ва адабий мероси. Шеърий девони ва баёзлар. Уларнинг қўлёзмалари. Шоир шеъриятининг мавзу ва ғоявий қамрови. Лирик қаҳрамон табиати. Асарларининг фалсафий асослари. Шеърий маҳорати. «Қушлар мунозараси» асарида анъана ва янгилик. Рамзий тимсоллар талқини. «Ҳусну Дил» достонининг тимсоллар олами ва рамзийлик. Уларнинг номланиш тарихи ва талқини. Шоирнинг шеърий маҳорати қирралари.

## 6-мавзу. Андалиб, Мунис ва Огаҳий

*Андалиб ҳаёти ва ижоди.* Таржимаи ҳоли. Адабий мероси. Достон ва маснавийлари. “Зайнул араб”, “Юсуф ва Зулайхо”, “Лайли ва Мажнун” достонлари. Достонлар сюжети. Қуръони Карим ва ҳадис ғояларининг талқини. Андалиб достонларининг тимсоллар олами. Уларнинг ўзига хос жиҳатлари. Шоир асарларига халқ оғзаки ижодининг таъсири. Шеърий маҳорат масалалари.

*Шермуҳаммад Муниснинг ижодий фаолияти.* Адабий, илмий мероси. Девонларининг тузилиш тарихи ва қўлёзма нусхалари. «Мунис ул- ушшоқ» девони. Девон тартибида анъана ва жанрлар таркиби. Шоир ижодида уларнинг такомиллашуви. Лирик қаҳрамон табиати. Тимсоллар олами. Бадиий хусусиятлари.

Муниснинг илмий мероси. “Саводи таълим” рисоласининг илмий-бадиий қиммати. Тарихий асарлари. Таржималари. Адиб ижодининг ўзбек адабиёти тарихидаги ўрни.

*Огаҳий ҳаёти ва ижоди манбалари.* Ўрганилиш тарихи. Шоирнинг адабий-илмий мероси. “Таъвиз ул-ошиқин” девони. Қўлёзма нусхалари. Девонда дебочанинг ўрни. Жанрлар таркиби. Мавзулар доираси ва ғоявий кўлами. Шоирнинг тимсол қўллаш маҳорати. Шеъриятида Алишер Навоий ижодига муносабат. Девондаги асарлар бадиияти.

Огаҳий – тарихнавис. Тарихий асарларининг қомусий табиати ҳақида. Уларнинг илмий ва бадиий қиммати. Хоразм таржима мактабида Огаҳийнинг ўрни. Таржималарининг аҳамияти.

## 7-мавзу. Қўқон хонлигидаги маданий ҳаёт

Ўрганилиши. Адабий муҳитнинг шаклланиши ва ўзига хос хусусиятлари. Амирийнинг адабий муҳит асосчиси ва раҳнамоси сифатидаги мақоми. Жанрлар поэтикаси. Адабий муҳитда халқ оғзаки ижодига муносабат масаласи. Тарихнавислик, шеърият, наср, матбаа ишлари, адабий ҳамкорликнинг ноёб маҳсуллари яратилиши.

Тазкиранависликнинг янги шакллари. Фазлий Намангоний раҳбарлигида тузилган тазкира. “Мажмуаи шоирон”нинг ўзбек адабиёти тарихидаги ўрни.

Тузилиши ва жанрлар таркиби. Ғозий ижоди. “Юсуф ва Зулайхо” достони. Сатирик ва юмористик асарлар. Махмур адабий мероси.

*Хўжаназар Ҳувайдо ҳаёти ва ижоди.* Лирик мероси. Девонининг тузилиши ва жанр таркиби. Шоирнинг дунёқараши ва бадиий маҳорати. «Роҳати дил» достони. Асарнинг тузилиши. Асар композициясида ҳикоятларнинг ўрни. Тимсоллар олами. Ҳувайдонинг достоннавис сифатидаги маҳорати.

*Амирий ҳаёти ва ижоди манбалари.* Ўрганилиш тарихи. Адабий мактаб асосчиси эканлиги. Таржимаи ҳоли. Амирий девони. Девон қўлёзмалари. Асарларининг кўлами ва жанр хусусиятлари. Девонда дебочанинг ўрни. Шеърларининг мавзу доираси ва ғоявий қамрови. Анъана ва янгилик. Тимсоллар олами. Лирик қаҳрамон табиати. Бадиий маҳорати.

**8-мавзу. Гулханий, Нодира ва Муҳаммад Али адабий мероси**

*Гулханий ҳаёти ва ижоди.* Ўрганилиш тарихи. Шеърий мероси. Жанрлар таркиби. Мавзу кўлами. Тимсоллар моҳияти. «Зарбулмасал» асари. Асар таркиби ва мажозий табиати. Бадиий хусусиятлари. Гулханийнинг «Зарбулмасал»да тимсол яратиш маҳорати. Бадиий санъатларнинг қўлланиш тамойиллари.

*Увайсий ҳаёти ва ижоди.* Ўрганилиш тарихи. Адабий мероси. Шеъриятининг мавзу ва ғоявий кўлами. Шоира ижодида ишқ талқини. Ижтимоий ҳаётга муносабати. Асарларининг тимсоллар олами. Лирик қаҳрамон табиати. Увайсийлик билан муносабат масаласи. Бадиий санъатларни қўллаш маҳорати. «Шаҳзода Ҳасан» ва «Шаҳзода Ҳусайн» достонлари. Достонларнинг сюжет ва композиция жиҳатдан ўзига хослиги. Шоиранинг достоннавислик маҳорати.

«Воқеоти Муҳаммадалихон» (тугалланмаган) асари. Асарнинг тарихий аҳамияти. Тимсоллар кўлами.

*Моҳларойим Нодира ҳаёти ва ижоди.* Шоиранинг давлат арбоби сифатидаги фаолияти. Таржимаи ҳоли. Нодира ва Умархон муносабатлари. Нодира ижодига Увайсийнинг адабий таъсири. Нодиранинг шеърий мероси. Девондаги ғазал, мухаммас, рубоий, фард каби жанрлар табиати. Нодира шеъриятининг мавзу қамрови. Ишқ ва садоқат, висол ва ҳижрон тараннуми. Лирик қаҳрамон табиатининг ранг-баранглиги. Шеъриятининг тимсоллар кўлами. Бадиий санъатларни қўллаш маҳорати.

*Муҳаммад Алихон (Хон) ижоди.* Давлат арбоби сифатидаги фаолияти. Таржимаи ҳоли. Муҳаммад Алихон ижодида Навоий ва Фузулий анъаналари. Фузулий ғазалларига тазмин ва тахмислар. Девонининг жанрий таркиби. Шеърий маҳорат қирралари. Шеъриятининг тасаввуфий асослари.

## 5-Модул. МИЛЛИЙ УЙҒОНИШ ДАВРИ ЎЗБЕК АДАБИЁТИ

### 1-мавзу. Кириш: ижтимоий-сиёсий, маданий-адабий ҳаёт

Миллий уйғониш даврининг ўзбек адабиётининг икки босқичи: биринчи босқич – "Илк мустамлакачилик даври адабиёти" 1865-1905-йилларни ўз ичига олади. Иккинчи босқич – “Ижтимоий-сиёсий ва мафкуравий курашлар даври” 1905-1929 йиллар.

"Илк мустамлакачилик даври”нинг даҳшатли воқеаларга тўла картинаси тарихий-бадиий асарларда ўз ифодасини топди. Чор Россияси томонидан хонликларнинг, марказий шаҳарларнинг босиб олиниши, мустамлака зулмининг кучайиши, маънавий ҳаётнинг поракандаликка юз тутиши, халқ озодлик ҳаракатлари бу давр адабиётига алоҳида мавзу сифатида кириб келди. Бу, ўз навбатида, адабий жанрлар ва вазнларнинг янгиланишига ҳам асос бўлди. Янгича йўналишдаги ҳажвчилик майдонга келди: шеърий манзумалар, саёҳатномалар, мактуботлар туркуми яратилди. Тошкент ва бошқа марказий шаҳарларда босмахоналарнинг вужудга келиши, матбуотнинг йўлга қўйилиши, ўқитиш тизимидаги янгиликлар мустамлака ўлкада янгича маърифатпарварликнинг шаклланиши ва юксалишига асос бўлди. Таржимачилик ривож топди: шарқ адабиётидан "Минг бир кеча", "Калила ва Димна", "Гулистон" асарлари таржимаси билан баробар рус ва Европа адабиётидан таржималар қилинди.

### 2-мавзу. Комил Хоразмий (1825-1899)

Ижодий меросининг ўрганилиши тарихи. Таржимаи ҳоли. Комил Хоразмий йирик маданий тадбирлар ташкилотчиси сифатида. Тошкент сафари (1991). Комил ижодида янгича маърифатпарварлик. Ҳаётининг охирги йиллари, фожиаси. Комил ва Феруз муносабатларининг янгича талқини. Ижодий мероси, лирикаси, ҳажвиёти, тадқиқотлари. Бастакор, мусиқашунос ва таржимонлик фаолияти.

### 3-мавзу. Муҳаммад Раҳимхон Феруз (1844-1910)

Адабий мероси. Шоир ижодини ўрганиш тарихидан. Таржимаи ҳоли. Адабиёт ва санъат раҳнамоси. Феруз – мусиқашунос, моҳир созанда ва бастакор, санъаткор ҳамда талабчан мухлис. Феруз – маориф ҳомийси ва тараққийпарвар. Илк матбаачилик ва адабий мерос тарғибидаги хизматлари. Феруз ва Россия истилочилик сиёсати. Феруз ва Хоразм адабий муҳити.

### 4-мавзу. Аҳмад Табибий (1969–1911)

Ҳаёти ва ижоди. Табибий ва мумтоз адабиёт. “Мажмуат уш-шуаро” тазкираси. Лирик мероси. “Вомиқ ва Узро” достони. Табибийнинг санъат, мусиқа, хаттотлик соҳасидаги фаолияти, ўзбек маданияти тарихидаги ўрни.

Лойиҳа

**5-мавзу. Муқимий (1850-1903)**

Ҳаёти ва адабий мероси ўрганилиши тарихи. Таржимаи ҳоли. Тошкентдаги ҳаёти (1887, 1892, 1899-йиллар). Ҳаётининг сўнгги йиллари. Ижодий мероси: лирикаси, ҳажвиёти. Шоир сатирасида сиёсий мавзу. Юморлари. (“От”, “Кўса” туркумлари). “Саёҳатнома”лари. Муқимий ижодида мактуб жанри.

**6-мавзу. Фурқат (1859-1909)**

Таржимаи ҳоли. Фарғона ҳамда Тошкент даври фаолияти. Фурқатшунослик тадрижи. Шеърияти. Насрий асарлари. Янгича маърифатпарварлик фаолияти. Рус мустамлака сиёсатига муносабати. Фурқат ва жадидчилик. Тасаввуф таълимотига оид қарашлари. Чет эллардаги фаолияти. Ижодий мероси.

**7-мавзу. Исҳоқхон Ибрат (1862-1937)**

Маърифатпарвар шоир, публицист, тарихшунос, тилшунос олим, сайёҳ, илк ўзбек матбаачиларидан бири сифатидаги фаолияти. Ҳаёти ва ижоди. Чет элларга саёҳати. “Усули жадид” мактабларини очиши. Ижтимоийғмаърифий фаолияти: “Матбааи Исҳоқия”, “Кутубхонаи Исҳқия” вужудга келиши. Матбуотда чоп этилган асарлари. Илмий фаолияти. Рус босқинига муносабати.

**8-мавзу. Каримбек Камий (1865 – 1922)**

Камий ижодига муносабат масаласи. Таржимаи ҳоли. Камий ва Тошкент адабий муҳити. Маърифат мавзуидаги шеърлари. Ҳажвиёти. Таржималари. Камий дунёқараши. Шоир ижодида тасаввуфий унсурлар. Диний мавзу. Жадидча ва қадимча қарашлари.

## 6-Модул. ЖАДИДЧИЛИК ВА ЖАДИД АДАБИЁТИ

**1-мавзу. Ижтимоий-сиёсий ва мафкуравий курашлар даври. XX аср бошлари Туркистонда ижтимоий-сиёсий, маданий ҳаёт**

Жадидчилик. Туркистонда жадидчиликнинг ривожланиш босқичлари. Даврлаштириш тамойиллари. Маърифий ислоҳотлар даври. Ижтимоий-сиёсий ва мафкуравий курашлар даври.

Маданий-адабий ҳаёт (1905-1917). “Усули жадид” мактаблари. Миллий матбуот. Хайрия жамиятлари ва бошқа турли маърифий ташкилотлар. Янги миллий театр. Бадиий адабиёт. Адабий танқид. Бадиий таржимачилик.

Ижтимоий тарихий воқеалар. 1917-йил феврал инқилоби ва унинг Туркистондаги акс-садоси. Миллий озодлик ва мустақиллик учун кураш ғоялари. “Туркистон мухторияти”. Мафкуравий бухронлар. Адабий-маданий ҳаракатчилик. 20-йиллар матбуоти ва адабиёти. Ўзбек романчилик мактаби. Миллий драматургия. Театр ва адабий танқидчилик. Шўролар томонидан адабиётни мафкуравий курашлар воситасига айлантириш сиёсати.

Лойиҳа

**2-мавзу. Исмоилбек Гаспринский (1851-1914)**

Ҳаёти ва фаолияти. Жадид мактабларининг таъсисчиси. Гаспринский ва Туркистон жадидчилиги. "Таржимон" газетасида Туркистон ҳаётининг ёритилиши. Бадиий асарларида Туркистон мавзуси. Адабий-эстетик қарашлари.

**3-мавзу. Маҳмудхўжа Беҳбудий (1875-1919)**

Ҳаёти ва фаолиятининг ўрганилиш тарихи. Таржимаи ҳоли. Туркистонда жадид мактабларининг толмас тарғиботчиси ва ташаббускорларидан бири. Беҳбудий ва Туркистон миллий матбуоти. Ижодий мероси. “Падаркуш” пьесаси. Публицистикаси. Адабий-эстетик қарашлари. “Саёҳат хотиралари”.

**4-мавзу. Абдулла Авлоний (1878-1934)**

Авлонийшунослик. Ҳаёти саҳифалари. “Шуҳрат” газетасини чиқариши. Янги мактаблар ташкил этиши. Ижтимоий фаолияти. Авлоний – актёр, режиссёр, хормейстр, театр бадиий раҳбари, драматург, таржимон. Адабий мероси. Педагогик асарлари. “Туркий гулистон ёхуд ахлоқ” асарининг маърифий-ахлоқий ва педагогик қарашлар тараққиётидаги ўрни. Авлоний шеърияти ва адабий-эстетик тафаккурдаги янгиланиш. Драмалари. Публицистикаси. Тил, адабиёт, санъат, матбуот, маориф муаммоларига оид мақолалари. “Афғон кундаликлари” – ўзбек публицистикаси ва мемуар адабиёти намунаси.

**5-мавзу. Тўлаган Хўжамёров - Тавалло (1883-1937)**

Адабий меросининг ўрганилиш тарихи. Ҳаёти саҳифалари. Вақтли матбуотдаги иштироки. Ижоди. “Равнақ ул-ислом” тўплами. Тавалло ва Мунавварқори, Беҳбудий муносабатлари. Шеърларининг бадиияти. Тавалло ва татар адабиёти.

**6-мавзу. Сирожиддин Сидқий (1884-1934)**

Шоир ижодининг ўрганилиши. Ҳаёти ва ижодий фаолияти. Шоирнинг илк босма китоблари. Биринчи жаҳон уруши ва шоирнинг унга муносабати. Шеърларида мардикорлик воқеалари талқини. 1917 йил ва Сидқий. "Рабо(т)чилар намойиши", "Рабо(т)чилар келиши", "Тоза ҳуррият", "Русия инқилоби" асарларининг ёзилиши. Шоирнинг 1917 йилдан кейинги ҳаёти ва ижоди.

**7-мавзу. Сўфизода (1880-1937)**

Ҳаёт йўли ва ижодий меросининг ўрганилиши тарихи. Таржимаи ҳоли. Ҳажвиялари. Сўфизода ва озарбойжон мутафаккирлари. Сўфизоданинг “усули савтия” мактаблари очиши. Матбуотдаги иштироки. Маърифатпарварлик йўналишидаги шеърлари. Лирикаси.

**9-мавзу. Абдурауф Фитрат (1886-1938)**

Ҳаёти ва ижодининг ўрганилиши тарихи, манбалари. Таржимаи ҳоли. Ижодий мероси. Шеърияти. Насрий асарлари. Туркий тил билимдони ва

Лойиҳа

жонкуяри сифатидаги фаолияти. Адабиёт назариясига оид ишлари. Қадимги туркий ёдгорликлар устида олиб борган тадқиқотлари. Шарқ мумтоз адабиёти намояндалари меросига оид илмий ишлари. Тарихий асарлари.

**10-мавзу. Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий (1889-1929)**

Ҳамзашунослик тадрижи. Шоир ижодига икки хил ёндашув: сабаблари, оқибатлари. Адабий меросининг янгича талқини. Таржимаи ҳоли. Ижодий меросининг кўлами. "Девони Ниҳоний": анъана ва янгиланиш. Шеърларида миллий уйғониш ғояси. Ҳамза насри ва жадидчилик. "Янги саодат" миллий романи. Драмалари.

**11-мавзу. Абдулла Қодирий (1894-1938)**

Ҳаёти саҳифалари. Ижодий мероси. "Бахтсиз куёв" пьесаси. Жадидчилик ва Абдулла Қодирий ҳикоялари. Ҳажвий асарлари. Биринчи роман – "Ўткан кунлар"нинг яратилиши. "Меҳробдан чаён" романи. Бу романларнинг туркий халқлар адабиётига таъсири. Абдулла Қодирийнинг 30-йиллардаги ижодида замонасозлик майллари, бунинг сабаблари.

**12-мавзу. Чўлпон (1897-1938)**

Таржимаи ҳоли. Жадидчилик ва Чўлпон шеърияти. Шоирнинг ўзбек шеър тизимидаги ислоҳотлари. Ҳикоялари. Драмалари. "Кеча ва кундуз" романи. Романнинг ўзбек реалистик насри шаклланиши ва тараққиётидаги аҳамияти.

## 7-МОДУЛ. ЯНГИ ЎЗБЕК АДАБИЁТИ

**1-мавзу. Янги ўзбек адабиёти. Бу адабиётнинг асосий хусусиятлари.**

Янги ўзбек адабиётининг ўзига хос хусусиятлари, етакши белгилари. Янги ўзбек адабиётини даврлаштириш. Янги ўзбек адабиёти тараққиётининг асосий босқичлари. Маърифатпарварлик ёки жадид адабиёти. Янги ўзбек адабиётининг реализм босқиши (1916-1932 йиллар. Биринши босқиши (1932-1954 йиллар). Иккинши босқиши (1954-1991 йиллар). Миллий истиқлол даври ўзбек адабиёти. XX аср адабиёти тарихига оид баҳс-мунозаралар.

**2-мавзу. XX асрнинг 20-50 - йиллари адабиёти**

Октабр тўнтариши ва шўро адабиётининг вужудга келиши. Адабиётда ҳоким мафкура ғояларининг етакшилик қила бошлаши. Адабий жараён икки йўналиш - шинакам бадииятга дахлдор бўлган адабий йўналиш ва шўро ғояларини илгари сурувши адабий йўналишнинг вужудга келиши. 20-30-йиллар адабиётида замонасозлик, шахсга сиғиниш иллатларининг намоён бўлиш сабаб ва оқибатлари. Бу даврда бадиий мукаммал асарларда давр ва шахс фожиасининг ўзига хос тарзда намоён бўлиши. Адабиётда янги жанрларнинг такомиллашуви. Иккинчи жаҳон уруши даври адабиётида юксак ватанпарварлик мотивларининг етакчилик қилиши. Бу давр дарматургиясида

тарихий мавзу ва халқ қаҳрамонлари образини яратишга эътиборнинг кучайиши.
